

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Олмалик шахри. "Металлург" марказий ўйингоҳига вилоят фаоллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Президентимизнинг фармонлари билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган турли соҳа вакиллари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар, истеъдодли ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таширф буюрган.

ҚАЛБЛАРДА ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ СУРУРИ

Чор-атроф байрамонга безатилган, ўйингоҳга ўрнатилган улкан монитorda яқинда бўлиб ўтган ХХХI ёзги Олимпиада ўйинлари тасвири, унда муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз вакиллари намойиш этилмоқда. Фазлиддин Гойибназаровнинг финал жанги, Элмурод Тасмуродовнинг мардона олишувни майдонга йиғилган томошабинларга жўшқин кайфият улашади. Таниш қиёфалар, нузли чехраларга боқиб, беихтиёр давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтган сўзлари ёдимизга тушади: "Айни вақтда Тошкент воҳасининг энг катта бойлиги — бу авваламбор кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму шижоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқидир, десак, ҳақи-

қатни айтган бўламиз". ... Соат 19:00. Чорлов садолари остида фон гуруҳи кириб келади. Ватанимиз, эзгуликни улғулловчи дилбар тарона янграйди. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Исроҳон Эргашходжаев йиғилганларни энг улғу, энг азиз байрам билан табриклар экан, шон-шарафга тўла мустақиллик йилларида халқимиз, хусусан, вилоятимиз аҳли эришган ютуқ ва марраларни мамнуният билан тилга олди. Дарҳақиқат, барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: "Кеча ким эдиғу бугун ким бўлди?" Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқиб қўриб етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган замонавий давлатга айлангани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди. Майдон узра Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди.

Давоми 2-бетда. ➡

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бир-бирига меҳр ила боқиб турган, қалби эзгуликка лиммо-лим замондошларимизнинг шижоатига гувоҳ бўласиз. Истиқлолимизнинг кутлуғ 25 йиллик тўйини Тошкент вилояти аҳли ҳам муносиб ютуқлар билан қарши

олаётир. Қайси соҳани олманг, фидойи, ҳалол ва меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, раванқ топмоқда. Бу ислохотлар пировардида, ободлик ва фаровонлиқнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент вилояти: САЛОҲИЯТНИНГ УЛКАН ОДИМЛАРИ



Аввал иқтисод...

Кейинги йилларда худудда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, кейинги 5 йил мобайнида вилоят ялпи худудий маҳсулоти ҳажми қарийб 2 баробарга ортиб, 16,6 трлн. сўмга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса қарийб 2,2 баробарга

кўпайди. Худди шу йиллар давомида 1 минг 465 та саноат лойиҳалари амалга оширилиб, 2,2 млрд. долларлик инвестициялар ўзлаштирилди, соҳада 48 минг 496 та янги иш ўринлари яратилди.

Кези келганда, ўтган 5 йил давомида вилоят иқтисодиётига барча манбалар ҳисобидан 14,5 трлн. сўмлик инвестициялар жалб этилгани, уларнинг 73 фоиздан кўпроги айнан ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилганини қайд этиш зарур.

Бу ислохотлар қўламини бундан биргина мисолда ҳам яққол намоён бўлади. "Олмалик кон металлургия комбинати" АЖда бир қатор модернизация, техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилиб, энг замонавий юқори технологиялар билан жиҳозланган қувватлар ишга туширилди. Натижада, йилга 500 минг тонна олтингургурт кислотаси ишлаб чиқариш ва 16,7 минг тонна мис қуйиш имкони яралди. "Қалмоққир" қонидан қазиб олинаётган руда ҳажми 30 млн. тоннага етди.

Давоми 2-бетда. ➡

МИЛЛАТНИНГ АСЛ ЖАВОҲИРИ

Одатда, хорижликлар жонажон диёримиз ҳақида гапирганда, жуда кўп эътиборли таърифларни тилга олишади. Кейинги пайтларда бундай ёқимли эътирофлар қаторига яна бири қўшилди: "Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакатидир!"

□ Дилдаги гаплар

Бу — шунчаки, ўрни келганда айтилган гап эмас. Ҳавойилик ва баландпарвозлик ҳам йўқ бу таърифда. Бунга мана мен, узоқ йиллардан бери бир қишлоқ микёсида мунтазам оналар ва болалар соғлиғини сақлаш масалалари билан шуғулланиб келаётган

бир шифокор, ўз фаолиятим мисолида кўп бора амин бўлганман. Тўғри, дунёда фарзандлари истикболини ўйламайдиган мамлакат, жамият бўлмаса керак. Лекин, ёш авлод, соғлом ва баркамол ворислар тақдири учун бизнинг Ўзбекистонимиздек ғам-

хўрлик кўрсатадиган юрт, қуйиб-ёнадиган халқ ягона бўлса, ажабмас. Негаки, айнан бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган умуммиллий дастурлар бола саломатлиги учун у ҳали туғилмасидан анча аввалдан бошлаб қайғуради.

Мен бу ўринда ёшларни ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган қўламли вазифаларни назарда тутаяпман. Бу —

бир. Иккинчидан, репродуктив саломатлик, фертил ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни айтиш! Масалан, шу соҳанинг одами бўла туриб, ҳомиладор аёлларни сув ва ҳаводек зарур бўлган поливитаминлар билан давлат томонидан бепул таъминлаш тажрибасини ҳали бирорта жойда эшитган эмасман.

Мана, бугун ҳам олтиетти нафар туғуруқ ёшидаги аёлларни кўриқдан ўтказдик. Энг аввал, уларнинг қон таҳлилларига назар ташлаймиз.

Кўнглимиз таскин топади. Гемоглабин миқдори 110-130 г/лн кўрсатмоқда. Собиқ тузум даврида ҳам шу соҳада ишланганми. Яхши эслаймиз, у пайтларда ҳомиладорликни анемиясиз ўтказишни деярли орзу ҳам қилиб бўлмасди, ахир... Соғлом бола — миллатнинг асл жавоҳири. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиётган юрт асло завоқ билмайди.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Зангиота туманидаги
"Назарбек" қишлоқ
врачлик пункти мудири,
сенатор.

Истиқлол ва мен

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Бу йил коллежни тугатдим. Ҳали ўқиб юрган пайтларимдаёқ келажакдаги режаларим аниқ эди. Менинг бизнес лойиҳамни қўллаб-қувватлашди. Вилоятимизнинг 15 нафар ёш тадбиркор қизларидан бири сифатида менга ҳам имтиёзли кредит ажратилди. Шу маблагдан самарали фойдаланиб, турли-туман мазали пиширилган тайёрлашни йўлга қўймоқчиман. Қолаверса, дугоналаримни ҳам иш билан таъминлаш ниятим бор.

Онамнинг айтишича, мустақилликдан аввал мен каби ёшларга бунақа имконият берилмаган, мустақил иш юртишига йўл қўйилмаган экан. Мени эса, янги-янги режалар ҳеч тинч қўймайди.

Аслида онам ҳам яхшигина пазанда, кўп нарсаларни улардан, кейин коллеждаги ўқитувчиларидан ўргандим. Ўзим ҳам китоб ўқишни, изланишни яхши қўраман. Чет эл таомлари, пиширилган ҳақидаги кўрсатувларни қизиқиб томоша қиламан. Ахир, менга билдирилган ишончни оқлашим керакда.

Нозима
АБДУМЎМИНОВА,
Бўстонлиқ тумани.

Давоми 3-бетда. ➡

ТАҚДИРНИНГ МУНАВВАР ШУКУҲИ

Юртимизда истиқлолимизнинг йигирма беш йиллик мунаввар шукуҳи кезиб юрибди. Бу шукуҳ тонги сабодай, мусаффо булоқ сувидай тотли ва азиз. Хурриятда кечаётган умримизнинг ҳар дақиқаси мазмун-моҳиятига кўра янги миллий тарихимизнинг зарҳал саҳифалари бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди.

□ Давру-даврон ҳақида ўйлар

Йиллар, ойлар ўтиб бормоқда, мамлакатимизда янги-ча дунёқарашга, мустаҳкам имон-этиқодга эга навқирон авлод камол топди. Бугун йигирма беш ёшга кирган йигит-қизлар эркин ва ҳур жамиятда, қайта тикланган миллий давлатчилик шароитида, янги-ча қадрият ва таъминот билан яшамоқда. Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, халқимизнинг дунёқараши ва турмуш

тарзини туб илдизига янгилади.

Тарихдан маълумки, миллий озодлик узоқ давом этадиган мислсиз курашлар, оғир йўқотишлар натижасида қўлга киритилади. Уни сақлаб қолиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, эл-юртда тинчлик-тотувликни сақлаб туриш, ўтиш даврининг мураккабликлари-га дош бериш қийин кеча-

ди. Шу боисдан ҳам дастлабки кунлардан бошлаб, бу улғу ва азиз неъматни асраб-авайлаш, жамиятнинг янги бошқарув тизимини шакллантириш, демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ёш мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Янги шароит талаблари асосида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар бошлаб юборилди, "Ислохот ислохот

учун эмас, инсон манфаатлари учун", "Шу азиз Ватан — барчамизники" деган мантиқан гоят кучли шiorлар ўртага ташланди. Халқимизнинг сабр-бардоши, ақл-идроқи, салоҳияти, асрлар давомида шаклланган ҳаётий тажрибаси боис ўтган чорак аср мобайнида гоят мураккаб синовдан ўтди, умримизнинг ҳар кун, ҳар дақиқаси биз қураётган эркин демократик жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамлаш, пурвиқор деворларини тиклаш ва жиҳозлашга сарф бўлди. Бу йиллар Ўзбекистон танлаган йўл, биз кўзлаган мақсад, биз амал қила бошлаган янги-ча қадриятларнинг нақадар

тўғри ва ҳаётийлигини исботлаб берди.

Мустақилликка эришиш арафасида ва, айниқса, истиқлолимизнинг дастлабки кезларида бутун мамлакатни ижтимоий муаммолар қамраб олгани, таъминотдаги узилишлар, собиқ марказдан келаяётган таҳдидлар жамиятдаги тангликни янада жиддийлаштиргани, ўз умрини яшаб бўлган сохта тузум тарафдорларининг турли фитнес-найлранглири, узоқ-яқиндан келаяётган ошқора-пинҳона хуружлар катта ёшли ватандошларимизнинг ёдида, албатта. Аҳволни қисқа вақт ичида ўнглаш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, тинчлик-

тотувликни сақлаб қолиш, одамларнинг истиқлолимизга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун ягона тўри ечимларни топиш, зудлик билан ҳаракат қилиш, ҳеч бир йўналишда янгилишга йўл қўймаслик зарур эди. Не бахти, биз тарихий бурилиш палласидаги бу ҳаёт-мамот имтиҳонидан омон-эсон, жиддий йўқотишларсиз ўтдик. Президентимизнинг: "Ўзбек халқи ўзи танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмайди, ҳеч кимга қарам бўлмайди", деган сўзлари истиқлолнинг залворли қадамларига фавқулодда шиддат ва қатъият бахш этди.

□ Аёлга эҳтиром

СИЗ ҲАМИША НАМУНАСИЗ

Вилоят ҳокимлигида мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иштирокчилар танлов низомига кўра, тўққиз йўналиш – маҳалла, мактаб, мактабгача таълим муассасаси, академик лицей ёки касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрти, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, қўшма корхоналар бўйича сараланиб, "Энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти" сифатида 1-, 2- ва 3-ўринларга сазовор бўлдилар.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борар экан, мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилган кенг имкониятлар самараси ўларок, эришилган ютуқлар, хусусан, вилоят хотин-қизларининг жа-



мият тараққиётидаги ўрни ҳақида сўз юритди. Турли йўналишларда 1-ўринларни қўлга киритган Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Қибрай, Зангиота туманлари, Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларининг бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини алоҳида таъкидлади.

– Хотин-қизларимизнинг нафақат иш жойларида, балки ўз маҳалласи ва оиласидаги фаолияти, одамларга муносабати, обрў-эътибори ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, – дейди Қибрайдаги "Карвон" қўшма корхонаси бошланғич хотин-қиз-

лар ташкилоти раиси Гулчеҳра Эрназарова. – Аёлларимиздаги ўзбекона назокат, латофат, ҳаё, ибодат бетақдор фазилатлар, ҳатто, қўшма корхоналарда ишлаётган баъзи хорижлик аёлларга ҳам ибрат намунаси бўлаяпти. Ғолиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, Қобилжон ҒОҒУРОВ (сурат) "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

□ Миннатдорлик

Халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияҳонимнинг ушбу сатрлари шу кунларда ҳаёлимдан кетмай қолди. Астойдил меҳр кўйиб, ҳавас қилганман шоирамизга. Не бахти, бугун ўзим ҳам Ҳуртобшомиз эътибори, рағбатидан баҳраманд бўлиб турибман. Истиклолимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлиш бахти насиб этди.

АРДОҚЛАР,
ЭЪЗОЗЛАР УЧУН
ТАШАККУР...

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Истиклолимизнинг дастлабки йилларида қўлимизда таълимга, ёшлар келажагига катта эътибор қаратилаёпти.

Дастлаб "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Шунингдек, биз ўқитувчилар учун ҳам зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Болажонларга миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибор руҳида, яна замонавий кифадаги барча шароитларга эга мактаб, синфхоналарда дарс бериш қандай мароқли...

Биз меҳнат қилаётган умумтаълим мактаби 2015 йилда капитал таъмирланди. Айниқса, 1-синфдан бошлаб инглиз тилининг ўргатилиши болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳақиқатан ҳам мустақиллик фарзандларимизга, жумладан, биз ўқитувчиларга ҳам бекиёс имкониятлар эшигини очди. Ҳозирги 1-синф ўқувчилари мактабгача таълим муассасалариданоқ ўқишга тайёр бўлиб келишди. Авваллари "Алифбе"ни 4-5 ойда ўзлаштирадиган болалар ҳозир 1-2 ойда ўқиниш тўлиқ ўрнатиб олишарди. Бу эса биз, ўқитувчилар учун қўшимча масъулият юклайди.

Ҳозир мактабимизда 10 та бошланғич синф мавжуд. Менинг 2-синфда 33 ўқувчи бор. Улар орасида Оқилхон Абдурахимов каби зукко ўқувчилар кўп. Улар ҳамиша дарсга тайёр бўлиб келишди. Зеро, ҳозирги давр болалари ҳар томонлама соғлом, билимдон оилаларда тарбияланишмоқда. Ўқитувчи, энг аввало, болаларни севиши, ўз фарзандидек кўриши керак. Шунда болажонлар ҳар бир дарсни астойдил ўқиб, ўрганади.

Ўқитувчи сифатида мен ўзимни истиклол йилларида қайта кашф қилгандекман. 2007 йилда "Халқ таълими аълочиси" бўлдим, 2010 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Энди эса "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига муносиб кўришди.

Ўз ҳаётини мактаб ишлари, келажак авлод таълим-тарбияси билан боғлаган оддий бир қишлоқ муаллимига эътибор шунчалик бўлар-да! Тўғрими?


Хури СОЛИЕВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги
16-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

ЎЗИМИЗНИНГ
«ХҲРОЗҚАНД» ЗҲР

Дўконларга кирганимда беихтиёр машҳур кинофильм қаҳрамонининг "Хўрозқанд чет элники деса, ётволиб ялашади-я" деган гаплари ёдимга тушади. Бир пайтлар шундай эди. Ҳозирчи? Ҳозир пештахталардан дарров ўзимизникини излаб қоламиз. Чунки ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати хорижликдан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Хусусан, Янгийўл туманидаги "Янгийўл сут" хусусий корхонаси маҳсулотлари шулар жумласидандир.

2000 йилда иш бошлаган корхонага қадам қўйдиг-у, бинодаги Россия, Германия, Хитой давлатларидан келтирилган замонавий техникаларга кўзимиз тушди. Айнан шу турли қўриқ-нишдаги технологиялар мўъжиза яратишга қодир. Улар кун бўйи Янгийўл, Чиноз туманлари, Сирдарё вилояти фермерларидан келтирилган сутни қайта

□ Интилиш



юртмачиларга жўнатишга тахт қилинади.

Корхона иш бошлаганида атиги тўрт хил маҳсулот – сут, творог, сметана ва қаймоқ ишлаб чиқариларди. Ҳозирга келиб, бу ерда меҳнат қилаётган 24 та

ишчи 20 турдан ортиқ сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

2014 йилда модернизация қилинган корхона ярим

заводи, Тошкент ИЭС, мактабгача таълим муассасалари ҳамда республика

Олимпия захиралари коллежи каби корхона ва муассасаларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

– Фақат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, корхона ҳудудидаги бўш майдонга савдо комплекси қуриш ишларини ҳам бошлаб юбордик, – дейди корхона раҳбари Абдулборий Орифхўжаев. – Қурилиш ишлари тугай деб қолди. Комплекс тўлиқ қувват билан ишга тушса яна 50 та янги иш ўрни яратилади.

Дарвоқе, келаси йилдан пештахталаримизда корхона томонидан ишлаб чиқарилган голланд

пишлогини қўрсангиз ажабланманг. Бу раҳбарнинг янги нияти. Бунга эса ҳаркат аллақачон бошлаб юборилган.

Нозима АРСЛОНОВА.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

□ Давру даврон ҳақида ўйлар

ТАҚДИРНИНГ МУНАВВАР ШУКУҲИ

ётган янги жамиятимизнинг кун сайин улғайиб, буй-чўзаётганидир. Бундай жамият юксак даражада ушшган, онгли ва масъулиятли муносабатлар тизими бўлиб, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва эркинлиги давлатга қарашли бўлмаган уюшмалар, бирлашмалар фаолияти орқали таъминланади. Фуқаролик жамиятида одамларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор берилди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси замирида инсон манфаатлари ётади. Ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотлари, турли жамғармаларнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ошади. Кўппартиявийлик мамлакат сиёсий ҳаётида фикрлар

турмуш фаровонлигига эришиш имкониятлари халқнинг орзу-умидлари билан мутаносиб равишда ошиб боради. Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг бевоқиф самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллигига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, энг аввало, одамлар қалбига жамиятда кечаётган жараёнларга шахсий ҳаётларини туйғусини юзага келтиради. Тинч-тотув яшаш, фаровон турмуш кечириш учун кураш, бу жараёнда фаол иш-

йигирма беш йил тарихан катта муддат эмас. Аммо ҳаётда шундай йиллар, ойлари ва ҳатто кунлар ҳам бўладики, уларни моҳиятан бирор нарсасга қиёслаш ўта мушкул. Кейинги чорак асрда дунё ўзгарди, ўзгармаган ҳеч бир соҳа қолмади, лекин мустақил Ўзбекистоннинг бугунги шиддати, жасоратли ишлари, маънавий юксалиш, иқтисодий барқарорлик ўзгараётган дунёни ҳам ҳайратга солмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Европанинг қўллаб-қувватланган мамлакатлари молиявий-иқтисодий таъминот боис, турли муаммоларга дуч келиб турган, ишсизлик даражаси ошаётган, ижтимоий ҳимоя режалари қисқараётган бир пайтда, Ўзбе-

кистонда махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, қишлоқларимизда шахар шароитидан асло кам бўлмаган уй-жой массивлари қурилаётгани, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилётгани чиндан ҳам ҳайратланарлидир.

Қувончли шундаки, ортимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод – ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётир. Мустақил фикрга, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган бундай ёшларни тўғри йўлдан қалғитиб бўлмайди. Истиқлол бизга мана шундай буюк маънавий бойликни ато этди. Орадан ўтган йиллар давлатимизнинг жаҳоний кенгликларга, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техникавий ҳамкорлик майдонларига, қутлуғ минбарларга олиб чиқди, обрў-эътиборини мустаҳкамлади, нуфузига нуфуз қўшди.

Бу кўнра дунёнинг талабчан нигоҳи Ўзбекистон деб аталмиш тинч ва осуда, бағри кенг, халқи меҳнаткаш, саховатли гўшага бурилди. Хуррият бизнинг фарзандларимизнинг, келажак наслларнинг улғу тақдири, яшаш ва яратиш мезони бўлиб қолди.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ.

Вилоят

бўйлаб

ТАДБИРКОРНИНГ
ЭЗГУ НИЯТИ

Бекобод туманилик Адҳам Абдурасулов ўзига хос оилавий бизнес соҳиб. Деҳқон хўжалиги шароитида паррандачилик билан шуғулланади.

Бунинг учун тижорат банкнинг 300 миллион сўмлик молиявий мадади асқотди. Шу асосда паррандачилик фермаси ташкил этилиб, 10 киши иш билан таъминланди. Ҳозир кунига ўртача 8 минг донадан тухум етиштирилиб, пешма-пеш савдо нуқталарига етказиб берилмоқда.

– Катта тўйга муносиб тўёна билан боришни мақсад қилгандик, – дейди хўжалик раҳбари. – Шу боис, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги нишонланаётган шу кунларда паррандамиз бош сонини 25 мингтага етказиш ҳаракатидамыз. Шерзод МУРОДОВ.

ХОҲЛОВЧИЛАР,
ИШГА МАРҲАМАТ!

Зангиота тумани ҳокимлиги ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Унда академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти 31 та, 12 ёшгача бўлган болалар кийимини ишлаб чиқараётган "BONITO KIDS" корхонаси 5 та, "Тўхтаниёз ота" масъулияти чекланган жамияти 4 та ва яна бошқа қўллаб-қувватловчи, шу-

нингдек, Янгийўл туманидаги корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган саволларга туман давлат солиқ инспекцияси, банклар, "Ягона дарча" мутахассислари атирофича жавоб бердилар.

Назира АҲМЕДОВА.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН
ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларга алоҳида мазмун бағишлади.

Истиклол йилларида вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ислохотлар изчиллиги таъминланаяпти. Жумладан, 8 минг 492 ўринга мўлжалланган 53 та шифохона, 43 минг 819 қувватга эга бўлган 303 та амбулатория-поликлиника муассасаларида 29 минг 300 ўрта тиббиёт ходими, 4 минг 700 дан ортиқ шифокор вилоят аҳолисига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан барча туман ва шаҳарларда соҳа мутахассислари, малакали шифокорлар иштирокида аҳоли ўртасида мунтазам тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 15-20 август кунлари ҳудудларда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ходимлари ҳамда Республика клиник шифохонаси шифокорлари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида тиббий кўрик ташкил этилди.

Унда 4 минг 681 нафар фуқаро қучураштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича тегишли йўлланмалар олишди. Шу билан бир қаторда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига дори-дармон ва санитария-гигиена маҳсулотлари мурувват ёрдами тариқасида тарқатилди.

Қамола ТўЛАГАНОВА,
саломатлик ва тиббий статистика илмий-текшириш
институтини вилоят бўлими бошлиғи.

ҚИШЛОҚҚА ШАҲАР ТУСИНИ БЕРАЁТГАН ИМОРАТЛАР

«Мустақил Ўзбекистонимизга бизнинг туҳфамиз». Зангиота туманидаги Амир Темура кўчасидан Зангиота зиёратгоҳи томон бораркансиз, икки қаватли замонавий уйлар пештоқларида шундай ёзувга кўзингиз тушади. Булар шунчаки ёзиб қўйилмаган.

□ Бунёдкорлик

Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт,

муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги Қарорига асосан Амир Темура кўчасини кенгайтириш, 38 та пасткам уй ўрнида замонавийлиқни уйғунлаштирган миллий меъморчилигимиз асосида икки қаватли тураржойлар барпо этиш, биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш режалаштирилган эди.

Қисқа муддат ичида кўча ёқасида иккита супермаркет, 3 та қаҳвахона, 3 та дорихона, 1 та хусусий шифохона, сураҳона ва дўконлар сингари 16 та хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ишга туширилди. Бу аҳолига қулайлик яратиш баробарида 150 дан ортиқ янги иш ўринларини юзага келтирди.

– Кишлоғимизда тадбиркорлар кўпаяётгани давлатимизнинг соҳа ривожига қараётган катта эътиборидан, – дейди Боир Қўрғонов. – Мен ҳам улар сафига қўшилганимдан мамнунман.

Шу кунларда қишлоққа шаҳар тусини бераётган иморатлар қурилиши охирида бўлмоқда. Ҳадемай, қишлоқ мар-

казига алоҳида кўрк бахш этувчи 300 ўринли ресторан ва 50 ўринли меҳмонхона иш бошлади. 15 та тураржой ҳам қуриб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Мазкур бунёдкорлик ишлари натижасида хизмат кўрсатиш шаҳобчалари янада кўпайиб, 150 та янги иш ўрни яратилади.

Мухтасар айтганда, Амир

Темура кўчасида қурилган ва қурилаётган иморатлар юртимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига муносиб туҳфади.

Қишлоқдаги 56 та уйга "Намунали хонадон" деб ёзилган тахтачалар илгирин. Қолганлар ҳам шундай ном олиш учун тураржойларини янада обод ва кўркем қилиш харақатида.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

□ Ватан сарҳадлари

Чотқол тоғ тизмаларига бориб тугашувчи гўзал маскан Бўстонлик – ўз номи билан юртимизнинг бўстон гўшаси. У жаннатмонанд боғ-роғлар, баҳмал қир-адирлар, ям-яшил ўрмонлар макони. Пурвиқор музлик қоялардан бошланувчи жилға ва сойлар бирлашиб, бутун Тошкент воҳасига оби ҳаёт улашади. Она табиатнинг бундай бетимсол иноятлари туфайли ҳудуд иқлими йил-

нинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос ва бетакрордир. Бу ерда ҳар қадамда турли тилсимотларга гувоҳ бўласиз. Кўҳна замин бағридан сизиб чиқувчи маржон булоқларни ҳам ҳеч муболағасиз ана шу муъжизаларга менгзаш мумкин. Борлиққа тириклик, мусавфолук бахш этиб турувчи зилол чашмалар маҳаллий аҳолини ҳамда меҳмон ва сайёҳларни ҳамisha ҳайратга солиб келади.

"Osborn textile" маҳсулотлари харидоригр

Бўстонлик туманидаги "Osborn Textile" корхонасида инвестиция лойиҳаси амалга оширилган, ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифати ошди. Шу боис корхона маҳсулотларига хориждан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда. Мазкур қўшма корхона 2008 йилда ташкил топган.

– Ички ва ташқи бозордаги аҳолини мунтазам ўрганиб, харидор дидига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди корхона раҳбари Равшан Норматов. – Маҳсулотларимиз сифати юқори экани боис буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Ҳозир йилига 3600 тонна ип-калава, 5100 тонна бўялган ип, жумладан 900 тонна бўялган пахта ва 1020 тонна сочиқ ва халат ишлаб чиқариш имконияти бор. Маҳсулотларимиз Россия, Италия, Греция, Германия, Украина, Болгария, Польша ва Саудия Арабистонига экспорт қилинмоқда. Корхонада доимий иш ўрнига эга бўлганларнинг кўпи касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

– Ўзим танлаган соҳага ихтисослашган касб-хунар коллежини битиргач, дугоналарим билан шу ерга ишга жойлашдим, – дейди оператор вазибасида ишлаётган Гулмира Тоҳирова. – Келажақда енгил саноат соҳасини пухта ўлаштириб, етук мутахассис бўлишни мақсад қилганман.

Ўргатгани билим, улашгани зиё

"Интиланганга толе ёр" деганларидек, моҳир педагог сифатида тинимсиз ишлаб ва интиланганларнинг самараси сабаб давлат мукофоти соҳибаси бўлиш, албатта, ўзи фаолият юритаётган жамоа учун ҳам, қолаверса, барча касбдош педагоглар учун ҳам шарафлидир. Тумандаги 15-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Саида Муслимовага шундай бахт кулиб боққан. У ўтган йили Президентининг Фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Таълим соҳасида йигирма саккиз йиллик меҳнат тажрибасига эга Саида она илғор педагог сифатида замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодда имло ва услубий саводхонлиқни мустаҳкамлаш, ўзбек адабий тили меъёрларида оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, ижодий ва мустақил фикрлаш, адабий нутқ қўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир дарс соати қизиқарли бўлишига интилади.

Унинг меҳнатлари самараси ўларок, вилоят фан олимпиадасида ўқувчилардан Ҳайитул Бакирбоева 2-,

Бўстонлик: МАНГУ ЛАТОФАТ МАНЗИЛИ



Наргиза Ўктамова 4-ўринни эгаллади. Исламжон педагогининг "Мақтабда глобал таълим тамойиллари асосида адабиёт ўқитиш" номи услубий қўлланмаси вилоятда оммалашган.

"Устоз" сертификатига эга бўлган С. Муслимова вилоят методика марказининг мураббий-ўқитувчиси сифатида вилоят ўқитувчиларига "Замонавий педагогик технологиялар – дарс сифат-самарадорлигини ошириш воситаси", "Мақтабда муаммоларни ўқитиш ва унинг ечимлари" мавзусида ўқув-тренинглар ўтказмоқда. Тумандаги 3 та мактабдан ёш ўқитувчилар унга шоғирдликка бириктирилган.

2013 йилда она тили ва адабиёт фани йўналишида "Маҳорат мактаби"га мураббий-ўқитувчи этиб танланди. Вилоят "Маҳорат мактаби" 2013-2014 ўқув йилларида ўтказган ўқув-семинар ва тренингларда иштирок этиб, тумандаги фан ўқитувчиларига таълимга доир янгиликларни етказиб турди. Вилоят семинарларида "Ўқувчи билимини рейтинг балл асосида баҳолаш" ва "Замонавий педагогик технологияларни дарсларда қўллаб, юқори сифат ва самарадорликка эришиш" мавзуларида ўз тақдироти билан қатнашмоқда. Унинг "Фан ойлари"нинг ўтказиш, "8-синфда сўз бирикмасини ўрганиш", "Алишер Навоий жа-

воҳирлари", "Замонавий педагогик технологиялар" каби услубий тавсиялари оммалашган.

Элга бол тутаетганлар

Бўстонлик туманида асарларчилик соҳасида ҳам яхшигина тажриба тўпланган. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асарларчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларга катта имкониятлар яратди. Мазкур қарор йўлдош Мирзарахимов каби фермерларнинг фаолиятига кенг йўл очиб берди.

Ҳозир фермер 115 та қутида асалари парваришмоқда. 2010 йилда иш бошлаган асалчи бугунги кунга келиб, 11 нафар ҳам-қишлоғини иш билан таъминлади. Бир мавсумда 500 килограмм асал етиштирмоқда. Ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилаётди. 91 гектар майдонда олма, гилос, нок, бодом ҳам етиштиришни йўлга қўйган.

– Тўғри, дастлабки йиллари жуда қийин бўлди, – дейди Йўлдош Мирзарахимов. – Чунки, бир соҳанинг сир-асорини ўзлаштириш учун анча вақт керак бўлар экан. Боз устига асаларичилик мураккаб соҳа, нозик

жиҳатлари кўп. Шулардан келиб чиқиб, соҳага оид билим ва тажрибамизни бойитдик, ари оилаларини кўпайтириб бораёпмиз. Асал тўплашга қулай ҳудудлар, ширага бой экинлар кўп ўсадиган жойларни аниқлаб олган, ишимиз юришга бошлади.

– Фермерликнинг моҳияти нимада экан? – деган саволимизга заминдор шундай жавоб қилди:

– Фермер бўлиб, ҳўжалик бошқаришни ва одамларнинг кўнглига йўл топишни ўргандим. Фермерликнинг асл моҳияти шунда бўлса керак. Яна шуни айтишим мумкинки, ер билан тиллашиб, унинг тафтини ҳис қилдим. "Акмал Наргиз Аббос" фермер ҳўжалигимиз 2007 йилда ташкил топган бўлиб, эндиликда асал етиштириш бўйича тажрибали ҳўжаликлар сафига қўшилди. Бундан ташқари, биз етиштираётган олма ва узумга ҳам бозорда талаб катта.

– Биласиз, аслида энг тоза ва табиий ширинлик – асал, – дейди ҳўжалик иш бошқарувчиси Аббос Эргашев. – Шифобахшликда унга тенг келадиган маҳсулот йўқ.

Албатта, бугун соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли асаларичилик билан шуғулланиш истагида бўлганлар сафи кенгайиб бораёпти. Бу эса аҳолига табиий тоза асал етказиб бериш, фаолиятни

янада кенгайтириш, шунинг эвазига янги иш ўринлари яратиш имконини бераёпти.

Аҳоли саломатлиги йўлида

Бўстонлик шифокорлар том маънода эл соғлигини юрт бойлиги деб билладиган фидойилардир. Тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли поликлиника, бошқа тиббий муассасалар туну кун аҳоли хизматиди.

– Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқхона мажмуаси, болалар поликлиникаси, стоматология, тахшиш маркази, сил касалликлари диспансери хизматидан тумандошларимиз мамнун, – дейди кўп тармоқли поликлиника раҳбари Баҳром Рустамов. – Юртимиздаги ўзгаришлар ҳамма соҳада ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, тиббиётдаги янгиликлар эвазига тизимда бир қатор қулайликлар вужудга келаяпти. Авваллари оғир касалликларга чалинган беморлар пойтахтга бориб, шифокор кўригидан ўтишга мажбур бўлишар эди. Мустақиллик йилларида бундай оворагарчиликка чек қўйилди. Жойларнинг ўзида касалликларни аниқлаб, даволаш учун шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, бизнинг туманимизда ҳам бу иш яхши ташкил этилмоқда. Бирлашмамизда меҳнат

қилаётган малакали тиббиёт ходимлари учун яратилган қулай шароитлар вазибаларига масъулиятни оширади.

Қатлама

патирнинг мазаси

574,6 минг гектар майдонни эгаллаган Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи республикамиз мустақиллиги билан тенгдош. Денгиз сатҳидан 800-4000 метр баландликдаги ҳудуд Ўзбекистоннинг бетакрор, сўлим гўшаларидан биридир. Миллий боғнинг асосий вазибаси ўз тасарруфидидаги ўрмон ҳўжаликлари ва қўриқхона мажмуаларини, жонсиз табиат ёдгорликлари, шаршаралар, сой ва булоқлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва муҳофаза этишдан иборат. Айни вақтда миллий боғ фаунаси 230 турдаги ҳайвонот ва 1800 турдаги ўсимликлардан иборат бўлиб, шундан 38 тур ҳайвон ва 74 тур ўсимлик "Қизил китоб"га киритилган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу йил Гарбий Тянь-Шань ҳудуди ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига олинди.

Шунингдек, боғда 230 турдан ортиқ ҳайвон ва қўшлар бўлиб, уларнинг 38 таси – қор қоплони, Тянь-Шань кўнғир айғи, Туркистон силвосини, тулки ва бошқалар халқаро ва Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган. Тасқара, болтаюр, лочин, итолғи, Альп зағчаси каби қўш турлари ҳам муҳофазага олинган.

– Табиатимизни асраш, тоғ ва тоғ ёнбағирларидаги ўрмонларни сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш, кўчат етиштириш билан 100 дан зиёд нозир изчил шуғулланмоқда, – дейди миллий боғ директори ўринбосари Эргаш Саримсоков. – Масалан, 2015 йилда 2850 килограмм арча, эман, дўлана, тоғ қарағайи, ёнғок, бодом, олма, каштан, наъматак уруғлари тайёрланиб, махсус кўчатхоналарга экилди ва 450 минг донга кўчат етиштирилди. Манзарали дарахт кўчатларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, улар шаҳарларимизда боғлар барпо этишда қўлланилади.

Мутахассислар берган маълумотга кўра, 2014 йилдан бошлаб сайёҳлар учун мавсумий "Чодирлар шаҳарчаси" ташкил этилиб, дам олувчиларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Шунингдек, ҳудудда 30 дан зиёд экологик йўналишлар белгиланган. Шулардан бири 9 метрли шаршарага олиб борадиган йўлдир. У Янгиқўрғонсой ва бир нечта кичик шаршара, тор дара бўйлаб чўзилган.

Германиялик сайёҳ Андрей Лубиц юртига қайтар чоғида "Чодирлар шаҳри"даги хорижий сайёҳлар китобига таассуротларини шундай сўзлар билан ёзиб қолдирибди: "Уйдагилар сафар таассуротларини сўрашса, жўхори гўжа билан қатлама патирнинг мазасини таърифлаб беролмаслигим аниқ. Шунинг учун бу афсонавий масканга келаси йили, албатта, оилам билан келаман!.."

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
Даврон АҲМАД (суратлари),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

□ Давра суҳбати

Ангрен шаҳрида салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА НАТИЖАЛАРИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экологлар, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Жойларда амалга оширилиши мўлжалланаётган ҳўжалик ва бошқа турдаги фаолиятни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш, экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш тартиби жорий этилгани ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

– Иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида белгиланган давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган объектлар ва фаолият турлари ҳақидаги саволлар кўп бўлди, – дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Я. Султонов. – Шу ва соҳага оид бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ишлаб чиқариш, бунёдкорлик лойиҳаларини амалга оширишда давлат экологик экспертизаси хулосаси, давлат экологик экспертизасига тақдим қилинаётган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ариза лойиҳаси ва экологик норматив лойиҳаси материалларини тайёрлашнинг мақсад ва вазибалари ҳақида маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакилларининг жисмоний ва юридик шахслар учун сайёр қабули ташкил этилди. Аниқ ва тезкор савол-жавобларда маҳаллий экологик муаммолар билан бир қаторда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг янада самарали чораларини ишлаб чиқиш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, кам чиқитиш технологияларини жорий этиш каби мавзуларда суҳбатлар бўлиб ўтди.

Иштирокчилар замонавий технологияларни қўллаган ҳолда фойдаланиб бўлинган техник-мойларни қайта ишлатишдан "Uz-Pris Recycling" Ўзбекистон – Болгария қўшма корхонаси фаолияти билан танишишди.

И. АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

АНЪАНАВИЙ КЕНГАШ САБОҚЛАРИ

Ангренда "Ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёнида педагогларнинг таянч компетентлигини ривожлантириш: таҳсиллар, муаммолар ва ечимлар" мавзусида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди.



□ Таълим

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида ташкил этилган тадбирда таълим тизими ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган йиллар давомида соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, янги ўқув йилида таълим муассасаларини касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлаш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ҳамда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини янада ошириш масалалари

либ, янги ўқув йилида таълим муассасаларини касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлаш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ҳамда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини янада ошириш масалалари

рига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштириш хусусида ҳам фикр алмашилди.

Тадбир сўнггида тизимда самарали меҳнат қиларкан ходимларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ўз мухбиримиз:
Даврон АХМАД
олган сурат.

МУРУВВАТДАН
НУРАФШОН КЎНГИЛЛАР

Оҳангарон туманидаги Мурувват уйида "Эъзозингдан айланай, Ватан!" шiori остида маданий-маърифий байрам тадбири ўтказилди.

□ Қадрият

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнаомлигида ёши улуг инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июн

даги "Ўзбекистон Республикаси давлат мушаклигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида" қарори мазмун-моҳияти, халқимиз фақат истиқлол туфайли ўзликни, қадр-қимматини англаб етгани, аҳоли саломатлигининг муҳофаза қилиниши, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шароитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси доимий эътиборда эканини 350 ўринга мўлжалланган муассасамизда даволанувчилар учун барча шароит мавжуд. Байрам баҳона ҳол-аҳвол сураб келувчилар янада кўпайди. Президентимиз раҳнаомлигида кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрликдан барча мамнун.

Мурувват уйи даволанувчиларига вилоят ҳокимлиги ҳамда тадбир ташкилотчиларининг совғалари улашилди, байрам дастурхони ёзилди.

Санъаткорлар ижросида Ватан, тинчлик ва дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Ў.А.

Реклама ва эълонлар

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 27 августдаги № 69-70 (12913-14)-сонидан берилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокара (оферта) йўли билан сотувга чиқарилган эълоннинг 11, 12, 13, 14 ва 15 давлат объектларининг сотиш қиймати куйидаги матнда ўқилсин:

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майdonи (кв.м.)	Умумий ер maydonи (га)	Объект манзили	Баландсиз сақловчи	Объектнинг боғланган нархи (сўм)	Савдо кунини 2016 йил 27 сентябрь соат 11.00 да
11	"Собик 22-сонли умумтаълим мактаби" бипоси	891,98	0,670	Янгийўл тумани, Шўрликсой ҚФЙ, Ҳақиқат кўчаси	Янгийўл тумани ҳокимлиги	866 186 000,0	433 093 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
12	"Собик 17-сонли болалар боғчаси" бипоси	2277,68	1,100	Янгийўл тумани, "Тоғ" маҳалласи	Янгийўл тумани ҳокимлиги	1 975 079 000,0	987 539 500,0 (50 фоизга камайтирилган)
13	"17-сонли болалар боғчаси" бипоси	1039,11	1,047	Ўрта Чирчиқ тумани, Пахтакор ҚФЙ, "Бешбой" маҳалласи	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	653 498 000,0	326 749 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
14	"Қурилиш тўғрисидаги бипо-иншоотлари"	6349,29	10,000	Чўпон ҚФЙ тумани, Чўпон ҚФЙ ҳудуди	"Ягона буюртмачи хизмати" ижтимоий компанияси	11 681 965 000,0	5 840 982 500,0 (50 фоизга камайтирилган)
15	"Қурилиш тўғрисидаги бипо-иншоотлари"	1110,6	0,266	Янгийўл тумани, Нурдинова кўчаси, 38-й манзилида жойлашган	Янгийўл тумани ҳокимлиги	889 886 000,0	444 943 000,0 (50 фоизга камайтирилган)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги "Аҳолининг ҳожат-манд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4782-сонли Фармони ва 2016 йил 24 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-2498-сонли Қарорига мувофиқ Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Тошкент вилояти Меҳнат бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маъмурий биносини таъмирлаш юзасидан танлов эълон қилади:

Жорий таъмирлашнинг бошланғич баҳоси лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказиш ҳужжатлари билан бирга 97 850,0 минг (тўқсон етти миллион саккиз юз эллик минг) сўм.

Жорий таъмирлаш бўйича техник топшириқ:

1. Бинонинг олд қисмини алюминий билан қоплаш;
2. Кириш йўлагини қайта таъмирлаш ва ногиронлар учун кириш йўлак-часи қуриш;
3. Кириш қисмига витраж қўйиш.

Танлов учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

1. Ҳужжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари (устав, раҳбар тўғрисида маълумот, гувоҳнома);
2. Жорий таъмирлашнинг амалга ошириш харажатлари смета лойиҳаси;
3. Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш календарь режа-жадвали.

Ҳужжатлар муҳрланган конвертда, рақамланган ҳолда қўмита девонхонасида эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

□ Партиялар ҳаётидан

Ўзбекистон Либерал демократик партияси Бўстонлик туман кенгаши ташаббуси билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида қатор тадбирлар ташкил этмоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида қатор тадбирлар ташкил этмоқда.

Чунончи, Паркент туманида "Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалиш" мавзусида ёшлар форуми ташкил этилди.

"Қамолот" ЁИХ туман кенгаши, ободонлаштириш бўлими вакиллари, талаба-ёшлар иштирокида Шампан қишлоғида "Ўзбекистон – 25" ёзуви тошдан ҳашар йўли билан тикланди.

Тадбирда фаол иштирок этган талаба-ёшларга партиянинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шунингдек, Зангиота туманида "Муқаддас масканлар – замондошлар нигоҳида" мавзусида онлайн саёҳат ташкил этилди.

Партия фаоллари, мусулмонлар идораси вилоят вакиллари, ёшлар иштирокидаги тадбирда

«ШИРИН БОЛА, ШАКАР БОЛА, ТОЙ БОЛА...»

бирда партиянинг туман кенгаши томонидан 12 нафар боланинг суннат тўйлари нишонланди. Тўй миллий қадрият ва анъаналаримизга мос тарзда ташкил этилиб, тўқин дастурхон ёзилди. Туман хотин-қизлар

қўмитаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ва қатор ҳамкор ташкилотлар тадбирга совға-саломлар билан хисса қўшишди.

Туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадий жамоаси

нинг чиқишлари тўйга кўтаринки руҳ бағишлади. Куй ва қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

Ҳолида АБДОРОВА,
Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими бош мутахассиси.

лиқда ташкил этилди.

Унда вилоятнинг Бекобод, Бўка, Зангиота, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ, Янгийўл туманлари ҳамда Бекобод, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарлари гимнастикачи қизлари ўзаро баҳс олиб бордилар.

Тадбир аввалида таъкидланганидек, юртимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётгани, истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон спорт майдонларида

қувонарли ютуқларни қўлга киритаётган қўллаб-қувватловчи қизлар етиштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Ташкил этилган танлов ҳам ҳар томонлама соғлом ва баркамол

авлодни тарбиялаш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этишга хизмат қилди. Нафосат маликаларининг нафис ҳаракатларини ҳакамлар хайратли холис баҳолаб борди. Натижаларга



кўра, Олмалик шаҳар жамоаси қизларига тенг келадигани топилмади. Кейинги ўринлар Янгийўл ва Бўка тумани жамоаларига насиб этди.

Ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ни ҳал этиш тартибида 239 та депутатлик сўровлари билан чиқишди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида партия депутатлик гуруҳи таклифи билан ўндан зиёд мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланди. Сессия муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий йўналишларда 3 та долзарб масала киритилди ва улар юзасидан қабул қилинган муҳим қарорлар амалиётга йўналтирилди.

Ҳар бир ҳудудда ечимини қўйиб, таътидан кўчма қўйиш мақсадида ушатирилган учрашувлар партия электорати ва фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллий кенгашларда фаолият юритаётган депутатларимиз ўтган йил давомида 250 та, жумладан, қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш тартибида 11 та, фуқаролар муҳофазатлари

Наргис ҲАСАНОВА, Нозима РАСУЛОВА, Қобижон ҒОҒУРОВ (сурат),
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиблари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича танлов савдо қўйиш қўйилган қуйидаги ер участкалари Тошкент вилояти тадбиркорлик субъектларининг танлов таклифларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясининг 2016 йил 19 августдаги қарорига асосан такрорий савдо қўйилмоқда.

1. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрнатов массиви ҳудудида қурилиш режалаштирилган спорт мажмуаси объекти учун танланган, ер майдони 0,80 Га бўлган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 5 830 976 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 358 830 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Чиноз массиви ҳудудида қурилиш режалаштирилган савдо дўкони объекти учун танланган, ер майдони 0,05 Га бўлган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 364 436 сўм. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 548 100 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, Т. Эрнатов массиви ҳудудида қурилиш режалаштирилган мевани қайта ишлаш цехи, маийиш хизмат кўрсатиш биноси объекти учун танланган, ер майдони 0,80 Га бўлган ер участкасидан доимий

фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 5 830 976 сўм. Қурилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 512 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ, С. Раҳимов массиви ҳудудида қурилиш режалаштирилган умумий овқатланиш шахобчаси объекти учун танланган, ер майдони 0,06 Га бўлган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 473 323 сўм. Қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 756 000 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич хажми Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланган. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш ҳақидаги билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2016 йил 29 сентябрь кунини соат 18.00 да тўхтатади.

Талабдорларнинг конвертлари Тошкент шаҳри, А. Темури шохқўчаси, 17-уйда жойлашган, Тошкент вилоят ҳокимлиги биносидан 2016 йил 30 сентябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабдор қўйиш деб топилди.

Талабдорлардан бошланғич баҳога нисбатан энг юқори таклиф этилган сумма, энг юқори киритилган инвестиция маъноси ҳамда яратилган янги иш ўринлари сони инобатга олинади. Талабдорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқ-

дордаги заҳалат пулини "Ипак йўли банки" АЙТБ Сағбон филиалидаги х/р: 20208000404920809021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Талабдорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабдорлар буюртманомалар билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– танлов ташкилотчисига заҳалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг имзоси, агар талабдор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Асос: Тошкент вилояти танлов комиссиясининг 2016 йил 19 августдаги 3-сонли баённомаси.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А уйи, 309-хона. Тел./факс: (371) 228-78-96, tieltsavdo@inbox.uz, www.1kms.uz, Лицензия RR 0001.

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориши тартибда
ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига
таклиф этади!**

1. Савдогарнирген шахар СИБ томонидан Тошкент вилояти ҳўжаик сўдиниг 2016 йил 14 июлдаги 11.1603/8446-сонли ижро ҳўжаига асосан, "Махсусюр-транс" МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Увф КФЙ худудидаги, умумий майдони 11,87 Га.да жойлашган, 0001-0013 рақамли литерлардаги; жами майдони 8292,26 кв.м., шааиб чикариш майдо-ни 7270,09 кв.м. бўлган бино-иншоотлар кўйилмоқда. Бошланғич бахоси – 5 400 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 12 октябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилди. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати 2016 йил 10 октябрь кuni соат 18:00 гача.

Шунингдек, савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилотиya судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилотиya, Чирчиқ шаҳри, Конструкторчилар кўчаси, 13-ўйи манзилда жойлашган, умумий майдони 248,47 кв.м., яъш майдони 126,88 кв.м., қурилиш майдони 180,52 кв.м., томорка майдони 734,7 кв.м.дан иборат 2 қаватли иморат, 6 та яъш хонаси, ошхона, 2 та дахилз, ваннахона, 2 та ҳоҳатхона, 2 та шийпон, ер тўладан иборат кўчас мулкнинг бошланғич баҳоסי арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоסי – 601 506 814 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 22 сентябрь кuni соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий шик кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 20 сентябрь соат 18:00 гача.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли шаҳар суд ижродалари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар! Мулк бошлангич баҳосининг 10 фой-
зидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини тўлов-
хужжатига ихро хужжати рақами ва санасини кўрсат-
адан ҳолда "Best realtor" МҶЖнинг АИТБ "Ipak yo'li"
Сағбон филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлаш-
лари шарт: 20208000000433601001, МФО 01036, ИНН
303179580. Манзил: Тошкент шаҳри, Осий кўчаси, 1-
уй. Телефон: (998995) 193-01-11. www.emulk.uz,
bestrealtor@inbox.uz

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич
баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши
тартибиди ўтказиладиган очик аукцион
савдосига тақлиф этади!

2016 йил 19 сентябрь кунли соат 11.00 да бўлиб ўтган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: Қўнғай тумани С/х томонидан: 1. 02.02.2015 йил 2454-сонли ижро ҳужжати асосан, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11S 2489 бўлган, "DAEWOO-KALOS" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси – 12 776 468 сўм. 2. 05.04.2016 йил 4982-сонли ижро ҳужжати асосан, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 644 CDA бўлган, "LACETTI" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси – 44 835 930 сўм. 3. 05.04.2016 йил 4982-сонли ижро ҳужжати асосан, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 824 FDA бўлган, "КОБАЛЬТ" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси – 47 627 190 сўм.

2016 йил 1 октябр кuni соат 11.00 да бўлиб ўт-
диган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт вос-
тисати қўйилмоқда. Пискент тумани СИБ томонидан
хатланган, Пискент тумани ИИБ ЯХХБ жамия майдон-
часида сақланаётган. 06.05.2016 йил 1185-сонли ижро
ҳужжати зўсиадан хатланган, 2007 йилда ишлаб чи-
рилган, давлат рақами 10 389 ВАА бўлган, "УАЗ-
315148-095" русумли автотранспорт воситаси, бошлан-
ғич баҳоси – 27 240 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилига бўлими вакиллари иштирокчида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-ларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 дан тўхтайтилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлан-ғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган акавалт пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотичини – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги куй-идаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қиймати 5 банк куни мубайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бу-хоро кўчаси 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Ғувоҳнома № 004593

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич
баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши
тартибида ўтказиладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади!**

2016 йил 19 сентябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига қуйидаги қўсмак мулк тақдирдоран қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан 12.02.2016 йилда 726-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Тўқай қўчаси манзилида жойлашган, қурилиш ер ости майдони 143,9 кв.м., ер сатҳида жойлашган дўкон биноси, бошланғич баҳоси – 22 500 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани
Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридагичўмас мулк билан тегишли суд ижро-
чилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита хо-
йига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иш-
тирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни
(дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00
дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига
бир иш куни олганда соат 16.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талаб-
горлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдо-
ридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида
ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда ҳар
бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси –
“REALTOR GARANT BUSINESS” МҶМННИ ХАТЕ
“Universal bank” Тошкент шаҳар филиалидаги қўйида-
ги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
20208000504936050001, МФО 00996, ИИН 207125885
Аукцион ғолиби шарт олган мулк қийматини 5 бан-
кун и мўбаинида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўҳоро кўчаси, 10-
уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички: 258.
Лицензия: RR-0052

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ марказий идорада 2016 йил 15, 19 августда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси

[illegible][illegible][illegible]

□ 31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

Маълумки, 31 август мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу аъналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улуғ эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодга табаррук она Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачигидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон осуда ўтаган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси пойтахтимизнинг энг хушманзара жойларидан биридир. Авваллари эса бу ҳудуд жуда ваҳимали кўринишда бўлган. Энг аянчлиси, машҳур қатагон сийёси "хужуми"га дучор бўлган халқимизнинг зиёли, маърифатпарвар фарзандлари айна шу ерда қатл этилган. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2000 йили Бўзсув бўйида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Майдонда музей, ротонда қурилди. Унинг атрофи эса ландшафт дизайни асосида кўламазорлаштирилиб, обод гўшага айлан-тирилди. Ротонда марказида

ЮРАККА МУҲҲРАНГАН ЖАСОРАТ

нақшкор миллий безаклар тортилган ўймакор қабр тоши ўрнатилди. Муҳтарам Юртбошимиз мажмуа очилиш маросимида: "Бу зиёратгоҳни биз қатагон қурбон бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган юзлаб юртдошларимизнинг рамзий мазори сифатида қабул қилмоғимиз керак", дея халқимизнинг дилидаги гапни айтган эди. Айна пайтда эса майдон юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат вакиллари, хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Қувонарлиси, яхши ният билан оила қураётган ёшлар – келин-куёвлар муаззам майдонни сайр этиб, Яратгандан ўзларига халқларвар боболадридек солиҳ фарзандлар сўраб, ният қилишади.

Дарҳақиқат, майдон бугун нафақат зиёратгоҳ, балки тарихий сабоқхонадир. Айнақча, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида "Шаҳидлар хотираси" хиёбони зиёратчилар билан янада гав-



жумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, ҳуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур хис этади. Бугунги тинч, осойишта кунларга, инсон қадр-қиммати улуғланадиган буюк ва муқаддас юрда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб

яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди. Майдон узра қад ростлаган "Қатагон қурбонлари хотираси музейи"да ҳам ўн тўққизинчи асрнинг охиридан то истиқлолга бўлган тарих ҳақиқатларини ўрганиш, кўриш, билиш мумкин.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши эса

Бир машҳур рухшунос психологидан семинар ўтарди. Залда икки юзга яқин киши бор эди. Рухшунос кўлига пул олди-да, баланд кўтариб: "Ким буни олишни хоҳлайди?" деб сўради. Табиийки, ҳамма кўл кўтарди.

Бундай вазиятларда бировга кераги йўқдай туюлади. Бироқ, нима бўлишдан қатъи назар, биз асл қадр-қимматимизни йўқотмай-

миз. Бизни севганлар учун ҳамиша қадримиз юксак бўлади. Шунинг учун яқинларимизга, атрофдагиларга таъассис, самимий меҳр кўрсатайлик, ёрдамимизни аямайлик. Бу муносабат ўзимизга ҳам, албатта, қайтади.

Ориф ТОЛИБ тайёрлади.

□ Нуктаи назар

МУТОЛАА САНЪАТИ

Талабанинг маърифий-интеллектуал дунёси қандай шаклланади?

Ҳеч кимга сир эмас, барча ёшдагилар орасида китобхонлик сўсаяиб кетган. Бизда баъзи соҳаларда профессионализм етишмайди, етук мутахассислар кам. Бу ачинарли аҳволни матбуот соҳасида ҳам очик-ойдин кўриш мумкин. Зотан, биз журналист-филологларда профессионализм етишмайди. Нима қилиш керак?

Фикримча, соҳамизни юксак даражада билишимиз учун касбимиз сирларини пухта эгаллашимиз лозим. Бунда китоб муталаасининг ўрни бекиёс. Алишер Навоий, Уйлаҳ Фолкнер каби зотларнинг ҳаёти фикримизга далил бўлиши мумкин. Навоий бобоимиз 4-5 ёшдан минг-минглаб байт шеърни, "Мантқиқ ут-тайр"дек буюк фалсафий асарни ёд билган. (Ўша замонларда шоирлар энг камида ўтмиш шоирларнинг 40 минг мисра, замондош шоирларнинг 20 минг мисра, жами 60 минг мисра шеърни (ўз шеърларидан ташқари) ёд билишлари талаб қилинган. (Низомий Арузий Самарқандий эътирофи).

Американинг буюк адаби Уйлаҳ Фолкнер бор-йўғи 6-синф маълумоти-га эга бўлган. Бироқ, жуда кўп ўқиган. Кўлига тушган китобни ўқийверган. (Албатта, Навоийга ҳам, Фолкнерга ҳам Аллоҳ буюк истеъдод берган).

Бундай мисоллар сон-саноксиз.

Мазмуимизга қайтсак. Менинг қатъий фикримча, муталааи султ талабадан эртага яхши журналист ёки филолог чиқмайди. Умуман, китоб муталаа қилмайдиган ҳар қандай талабанинг етук мутахассис бўлиши мумкин эмас!

Демак, журналист-филолог талаба ўз соҳасини пухта эгаллаши учун тинимсиз ўқиши керак.

Хўш, болада, ўсмирда китоб ўқиш кўникмасини қай тарзда тарбиялаш мумкин?


Биринчи шарт. Аввало, ота-она китобхон бўлиши, оилада китобхонлик муҳити қарор топиши керак.

Иккинчи шарт. Ота-она, бордию нобой, ўқини эмас, маишатни яхши кўради. У ҳолда масъулият болалар боғчаси, мактаб зиммасига тушади. Демак, тарбиячиларнинг, ўқитувчиларнинг ўзлари китобни севадиган бўлишлари керак. (Уларни эса ўқув юрларида шунга ўргатишлари лозим).

Учинчи шарт. Олий мактаб талабада китоб муталааси кўникмасини тарбиялаши керак. Бошқача айтганда, оила, боғча, мактаб қилмаган ишни олий мактаб қилишига тўғри келади.

Хўш, буни қандай амалга ошириш мумкин?

Фикримча, ўқув дастурига "Муталаа



санъати (талабанинг маърифий интеллектуал дунёсини бойитиш) махсус курсини киритиш ҳаётий заруратдир. Бу махсус курсда китоб ўқишининг (муталаанинг) турли усуллари ва кўникмалари, матнни теран тушуниш ва ўзлаштиришнинг самарали йўллари, китоб устида ишлашнинг қулай усуллари, китоб танлаш каби масалалар маърузалар мазмунини ташкил этади. Буюк китоблар юзасидан амалий машғулотлар ўтказилади. (Бу дарсларда назарий маълумотлар амалиётга татбиқ қилинади).

Талабалар маърифатли, билимдон бўлиб етишишлари учун мураббийлар аниқ тадбирлар асосида иш юритсалар, қўлланган натижага эришиш мумкин. Бу борада, мен қуйидагиларни тақлиф этган бўлардим.

1. Жаҳон адабиётининг энг камида юзта буюк намунасини саралаб, талабаларга ўқишга тавсия этиш;

2. Дунё тарихий тафаккури намуналарининг биз учун жуда зарур бўлганларини (масалан, Геродот, Тацит, Тит Ливи, Ксенофонт, Алпиан, Шахермаер, Наршахий, Шомий, Яздий, Бобур, Мирзо Ҳайдар...) муталаа қилишни топшириш;

3. Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Навоий, Бэкон, Шопенгауэр, Ницше, Юнг, Мамардашвили сингари улуғ файласуфларнинг асарларини талаба билиши, ўқиши керак;

4. Ер юзи мамлакатларини кезиб чиққан машҳур сайёҳларнинг нодир асарларини ўқиш лозим;

5. Одоб-ахлоққа доир китоблар, пандномалар ҳам шулар жумласидан. Талабалар, шубҳасиз, ўз она тилини, миллий адабиёти, тарихи, фалсафаси, географиясини пухта билишлари шарт. Бусиз етук мутахассис бўлиш мумкин эмас. Бинобарин, талаба тилга олинган соҳаларга доир мумин, зарур асарлардан яхши хабардор бўлиши лозим.

Барча соҳаларга доир муҳим асарлар рўйхати машғулотлар давомида талабалар иштирокида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳмуд САЪДИЙ.

□ Чоршанба ҳикмати

ҚАДР ҚАЙҒУСИ

ҳам қатордан хато бўлмади. Қадрли дўстлар, – деб сўзида давом этди рухшунос. – Бу тажрибада ҳаммамиз учун катта сабоқ бор. Мен пулни қай аҳволга солмай, ҳаммаларинг уни олишни истадиларинг. Чунки, у ўз қимматини йўқотмади.

Биз ҳаётда ўзи-

музейга келиб-кетувчилар тўлиқ ва мукаммал маълумот олишлари учун қатор имкониёт ва қулайликлар яратилишига замин ҳозирлади.

Музей дастлаб гўмбаз, экспонат зали, бино айвонини кўтариб туриш учун 28 та устундан иборат бўлган. Мазкур қарордан сўнг бинони кенгайтириш бўйича қўшимча ишлар амалга оширилди. Битта гўмбаз қўшилди. Экспозиция зали иккитага кўпайди. Заллар Шарқ ҳунармандчилиги аъналарига монанд безатилди. Айвон билан ўралди. 5 метрли 48 та устун музейга ўзгача маҳорат ва чирой бахш этди. Музейга сайрга келган одам компьютер технологиялари, мультимедиа маълумот базаси, аудиоматериаллардан кенг фойдаланиш имконига эга бўлди. Залларда ҳар бир бўлим учун мультимедиа маълумотлар базаси жойлаштирилган махсус сенсорли киосклар ва ҳужжатли фильмлар ёзилган видеомониторлар ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик байрами арафасида эришилган ғалабаларни нишонлаш, бугунги кунимизга шукроналар айтиш аънаси бардавом экан, шаҳид кетган Ватан фарзандларининг ёди ва жасорати ҳам ҳамиша қалбларда эъзоз топаверади.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Спорт хабарлари

СУЛТОНОВ УЧИНЧИ ДАВРАДА

Истеъдодли теннисчимиз Хумоюн Султонов Канаданинг Квебек шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги Canadian Open Junior Championships турнирида ўзининг иккинчи ғалабасига эришди.

Илк даврада Буюк британиялик Элайстайр Грейни 3:6, 6:4, 6:2 ҳисобида мағлуб этган Хумоюн иккинчи босқичда франциялик Эллиот Бенчегритга қарши кортга чиқди.

Мазкур баҳс тўлиқ ҳаюртимиз устунлигида ўтди. Кучли рақибни ортқча қийинчиликсиз 6:1, 6:1 ҳисобида таслим этган Хумоюн эндиликда чорак финал йўлланмаси учун турнирнинг иккинчи ракетаси канадалик Феликс Аугер-Алиасси-мега қарши кортга чиқади.

РАҚИБ ЖАМОАЛАРИГА ҚАРШИ ТАРКИБЛАР МАЪЛУМ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаев Жаҳон чемпионати – 2018 саралашининг учинчи босқичи доирасидаги дастлабки икки учрашув учун таркибни маълум қилди.



Самвел Бабаев бошчилигидаги мураббийлар штаби Сурия ва Қатарга қарши ўйинлар учун қуйидаги футболчиларни таркибга жалб этган.

Дарвозабонлар: Александр Лобанов ("Пахтакор"), Игнатий Нестеров ("Локомотив"), Элдор Суянов ("Насарф").

Ҳимоячилар: Ислам Тўхтаўжаев ("Локомотив"), Егор Кривец ("Бейжинг Гоан" – Хитой), Анзур Исмоилов ("Чангчун Ятай" – Хитой), Азим Аҳмедов ("Пахтакор"), Даврон Ҳошимов ("Пахтакор"), Виталий Денисов ("Локомотив" – Россия), Станислав Андреев ("Пахтакор"), Отабек Шукуров ("Бунёдкор").

Ярим ҳимоячилар: Одил Аҳмедов ("Краснодар" – Россия), Азиз Ҳайдаров ("Аш-Шабоб" – БАА), Сардор Рашидов ("Ал-Жаиш" – Қатар), Элдор Шомуродов ("Бунёдкор"), Жасур Ҳасанов ("Қизилқум"), Жавохир Соҳибов ("Пахтакор"), Марат Бикмаев ("Локомотив"), Достон Ҳамдамов ("Бунёдкор"), Саламат Қутибоев ("Бухоро"), Жамшид Искандеров ("Пахтакор"), Сервер Жепаров ("Локомотив").

Ҳужумчилар: Игор Сергеев ("Бейжинг Гоан" – Хитой), Александр Гейнрих ("Ордабаси" – Қозғистон).

Эслатиб ўтаимиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1 сентябрь куни саралашининг учинчи босқичи дастлабки ўйинлари доирасида Тошкентда Сурия терма жамоасини қабул қилади. 6 сентябрь куни эса сафарда Қатарга қарши ўйин ўтказилади.

ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРОГА ЖўНАБ КЕТДИ

XV паралимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини 32 нафар спортчи ҳимоя қилади. Улар спортнинг дзюдо, енгил атлетика, сузиш, ўқ отиш ва пауэрлифтинг каби турларида баҳсларга киришадилар.

Ф. РАВШАНОВ тайёрлади.


АЙБИ БЎЛСА КЕРАК-ДА...

Австралиялик олимлар жадваллар билан ишлаш бўйича оммабоп дастур Microsoft Excelни илмий ишларда тизимли хатога йўл қўйишини аниқлашди.

Генетика бўйича чоп этилган 3,5 мингта илмий иш таҳлил қилиб чиқилгач, уларнинг ҳар бешинчисида Excel билан боғлиқ хатога йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, дастурдан фойдаланилганда баъзи белгилар санага айланиб қолгани кузатилган. Масалан, Septin2 генининг номи Sept2 тарзида ифода этилган. Хуллас, бундай мисоллар жуда кўп бўлиб чиқди. Олимлар охир-оқибат инсон интеллектига тенг келадигани йўқлигини яна бир марта тан олишга мажбур бўлишди. Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, айнан генетика соҳасидаги изланишларда техника панд бергани ходисанинг ҳикмат ва мантигини янада ошириб юборди. "Генлар соҳасига компьютернинг акли етмапти" дегандек маталнамо гаплар ҳам пайдо бўлганига нима дейсиз?

"АЖДАР" ТИНЧ ОКЕАНИГА ҚўНДИ

АҚШнинг Халқаро космик станциядан ажралиб чиқиб, ерга йўл олган Dragon космик кемаси Тинч океани ҳудудига муваффақиятли қўнишни амалга оширган.



"Dragonнинг муваффақиятли қўниши тасдиқланди, NASAнинг қимматбаҳо илмий-тадқиқий юклар космик станциядан ерга олиб тушилди", дея хабар беради компания Twitterдаги расмий саҳифасида. Мазкур аппарат дастлаб Мексика соҳилидан 520 километр нарига қўнишни кутилган эди. Бироқ, табиий шароит ва бошқа омиллар натижасида жараён мўлжалдагидан бошқача бўлди. Мазкур қурилма аппарат июль ойида Халқаро космик станцияга озиқ-овқат ва асбоб-ускуна етказиб берган эди.

Интернет хабарлари асосида
С. ЎРМОНЖОНОВ тайёрлади.

Реклама ўрнида

«Ўзбектелеком»

акциядорлик
компаниясиюртимиз аҳлини
Мустақиллик
байрами билан
қутлайди!

25

«Тошкент вилояти сувоқова»

давлат унитар корхонаси
ватандошларимизниИстиқлолимизнинг
25 йиллик тўйи
билан қизғин
қутлайди.Юртимиз тинч,
маҳаллаларимиз обод бўлсин!
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб,
Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати
дунё бўйлаб таралаверсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!Таълим, фан ва маданият ходимлари
касба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши

Ўзбекистон аҳлини аجدодларимиз орзу қилган улуг кун –

Мустақиллик айёми

билан самимий табриклайди!

Ватанимиз эришаётган улкан ютуқларда фидойи
ходимларимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Халқ фаровонлиги
йўлида астойдил ҳаракат қилаётган жамоамиз
юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, ният-мақсадларимиз
улуг ва хайрли бўлишини тилайди.

□ Моҳият

... Шогирд устози пири ко-
милан сўради:
– Устоз, қадимда ҳам ҳофизлар бу-
гунгидек кўп бўлганми?
Пири комил жавоб қилди:
– Ўнчаликмас, бўтам. Ахён-ахёнда у
ер бу ердан ҳофизу ҳофизалар чиқиб
турган, холос.

«Соддалик»

Эзма шогирд яна сўради:
– Бунинг боиси недур, ус-
тоз?
Устоз бир хўрсиниб олгач, жавоб
қилди:
– Илгари одамлар анча содда бўлиш-
ган, бўтам. Қўшиқ айтиш учун овоз ке-
рак, деб ўйлашган...

□ Буюклар табассуми


Марк Твен бир
хонимни тушлик сто-
ли томон кузатиб ке-
таётганда хушомад
қилибди:
– Сиз жуда ҳам
мафтункорсиз!
Аёл унга жавоб қи-
либди:– Афсуски мен
Сиз ҳақингизда бун-
дай дея олмайман!
Твеннинг кейинги
гапи хонимни хур-
санд қилмагани
аниқ:
– Нимаси қийин?
Сиз ҳам менга ўхшабёлгон гапираверинг!
© © ©
Марк Твеннинг фик-
рича, аёллар учун энг
омадли, шу билан
биргаликда энг сўнг-
ги хушомад бу тур-
муш қуриш ҳақидаги
таклифдир.

□ Рассом хандаси



Олимп НОРКУЛОВ чизган расм.

(Газетанинг навбатдаги сони 7 сентябрда чоп этилади).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлигиБош муҳаррир
вазифасини бажарувчиҒайрат
ШЕРАЛИЕВМанзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
теришти ва саҳифаланди.Навбатчи муҳаррир
Фарҳод ТОЛИПОВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХҲАЕВ